

Мундарижа

Оглавление

Кириш.....	3
1-bob. Электрон услубий таъминотларни ишлаб чиқиш ва уларнинг классификацияси бўйича мавжуд манбалар таҳлили	5
1.1 Электрон услубий таъминотлар яратиш бўйича мавжуд манбалар таҳлили	5
1.2 Электрон дидактик воситаларнинг амалий машғулотларни ўтказишдаги самарадорлиги	6
1.3 Махсус яратиладиган электрон услубий таъминотга қўйиладиган асосий талаблар	8
1.4 Масаланинг қўйилиши ва унинг долзарблигини асослаш	6
2-bob. Амалий машғулотлар учун электрон услубий таъминотларни яратиш талаблари ва воситалари.....	8
2.1. A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича назарий маълумотларни шакллантириш	12
2.2. HTML to Chm dasturi yordamida elektron услубий таъминот tayyorlash	16
2.3. Электрон услубий таъминот яратиш учун компьютернинг техник таъминотига талаблар	24
3-bob. Амалий машғулотлар учун мультимедиали дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш.....	25
3.1. A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминотни яратиш технологияси.....	25
3.2. Электрон услубий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси	27

3.3. Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш (педагогик технология)нинг ўзига хос хусусиятлари	29
3.4. " A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш" машғулотида замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитишни ташкил этиш	30
4-боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	33
4.1. Elektron услубий таъминот ishlab chiqishda kompyuter xonalarida hayot faoliyati xavfsizligi	33
4.2. Компьютердан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари.....	35
Хулоса.....	37
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	38

Кириш

«Мен ХХІ аср маънавият асри,
маърифат асри, илм-фан ва маданият ва
ахборот асри бўлишига қатъиян
аминман»

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган даврда мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ҳаётининг соҳалари қатори халқ таълими тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда амалдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб таълим йўналишида муайян янгилик, ўзгаришлар дастлабки ижобий натижаларни бермоқда. Таълимда узлуксизликни таъминлаш ва умуман, таълим тизимини ривожлантириш ишларига мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг бош бўлиши ҳамда шахсан бу соҳанинг ривожига қароқчилик олиш ҳам жаҳон мамлакатлари таълим тизими тараққиёти тарихида ва бугунги кунда ҳам нодир ҳолатдир.

Туб ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало ходимларнинг иқтисодий билимига боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб чуқур ўзгаришлар қилиб бўлмайди.

Prezidentimiz Islom Karimovning 2016 yil 15 yanvar kungi mamlakatimizni 2015 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma'ruzasida "... Shuni ta'kidlash lozimki, bugungi kunda jahon miqyosida yaratilayotgan yalpi ichki mahsulotning taxminan 5,5 foizi axborot-kommunikasiya texnologiyalari sohasiga to'g'ri kelmoqda. Nufuzli xalqaro ekspertlarning fikriga ko'ra, 2020 yilda bu ko'rsatkich 9 foizdan oshadi..." – degan aniq fikrlarni keltirib o'tdilar. Bu fikrlarini o'zi ham ko'rsatib turibdiki, biz bo'lg'usi o'qituvchilar oldiga bugungi kun talabiga to'la javob beradigan mutaxassislarni tayyorlashdek juda katta mas'uliyat yuklanayotganligidan dalolat beradi.

Келажакда буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқароши ўзгарган ходимларимиз, мутахассисларимизга кўп жихатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юритадиган, юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолди. Мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан мустахкам ўрин эгаллаши учун замонавий компютер технологияларини ҳаётимизнинг барча жабхаларига кенг жорий этиб келинмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. *A4DeskPro* дастурида *Web* саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратмоқчи бўлган мазкур электрон услубий таъминот 5111000 – Касбий таълим (Информатика ва ахборотлар технологияси) йўналиши ўқув режасининг таркибидаги фанларнинг бири ҳисобланган *Web* дастурлаш, ундаги мавзуларда талабаларни компютер саводхонлиги бўйича чуқур билимлари, дастурлаш тилларидан *html*, Интернет технологиялари ҳамда электрон саҳифаларни яратишнинг дастурий воситаларини ўргатиш асосий масала қилиб олинади.

Битирув малакавий ишида келтириб ўтилган мавзу бўйича ҳозирги кунда етарлича адабиётлар мавжуд эмаслиги, дастурларнинг мураккаблик даражасига қараб намуналарни келтириб ўтилиши лозимлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ўқувчилар учун биров яратиладиган электрон услубий таъминотдан фойдаланишда ечиладиган масала учун йўналиш бўлиб хизмат қилади. Услубий таъминотни яратишдан асосий мақсад, ўртадаги мана шу камчиликларга биров бўлсада барҳам бериш ва талабаларни мустақил таълим олишлари учун имкон яратиш беришдан иборат.

Бугунги кунда интернет саҳифалари, олийгоҳ ва касб-хунар коллежларида электрон кутубхоналарнинг катта имкониятларини эътиборга оладиган бўлсак, айтиш мумкинки электрон услубий таъминотга бўлган талаб жуда ҳам катта. Чунки, электрон кутубхоналарни бойитиш ва ундан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундай ташқари, дарс машғулотида давомида ҳам электрон услубий таъминотдан фойдаланиш ва керакли маълумотлар билан талабаларни таъминлаб туриш ўқитувчига адабиёт масаласида биров энгилликлар яратиш беради.

Юқоридаги келтириб ўтилган фикрларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, битирув малакавий ишида берилган A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш мавзуси бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятларини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Таълим тизимини ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Олий таълим тизими, Ўзбекистон мактаблари, касб-хунара коллежлари, олийгоҳлар олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Ҳозирги даврда келажаги буюк давлат қуришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия бериш таълимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Демак, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, бугунги кун ҳар бир ёшдан, ҳар бир талабадан яхши мутахассис бўлишни, ўзи эгаллаган соҳанинг моҳир устаси бўлишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, турли фанларни ўзлаштиришда талабаларнинг мустақил тайёргарликларига алоҳида этибор берилади. Мустақил тайёргарликнинг энг мақбул йўлларида бири бу мустақил ишлашдир.

Топшириқларни бажариш талабанинг мустақил таълим олишининг энг маҳсулдор даври бўлиб, мустақил таълимнинг ушбу шаклидан фойдаланиш юқори малакали мутахассис тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Бу фикрлар асосида айтиш мумкинки, битирув малакавий иши мавзуси асосидаги масаланинг асосий мақсадларидан бири, A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш учун талабалар ва ўқитувчиларга қўлланма сифатидаги электрон услубий таъминотни яратиш ва бу асосда ўқув жараёнининг сифат кўрсаткичларини янада оширишдан иборат.

Bitiruv malakaviy ishining tuzilishi. *A4DeskPro* dasturida Web sahifa yaratish bo'yicha elektron uslubiy ta'minot yaratish mavzusi bo'yicha tayyorlangan malakaviy bitiruv ishi asosan quyidagi qismlardan tashkil topgan. Bular, kirish, asosiy qism, hayot faoliyati xavfsizligi, xulosa va foydalanilgan adabiyotlar bo'limlaridan iborat.

Bitiruv malakaviy ishining kirish qismida O'zbekiston respublikasining ta'lim axborot tarmog'ini tashkil etish bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar, mavzuning dolzarbligi hamda bitiruv malakaviy ishining tuzilishi bo'yicha zaruriy ma'lumotlar keltirib o'tiladi. Mavzuning dolzarbligi, uning bugungi kun nuqtai nazaridan talqin qilinib, uning haqiqatda dolzarb masala masala ekanligi asoslab beriladi.

Asosiy qism esa, 4 ta bob, xulosa va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan tashkil topgan bo'lib, 1-bobda *A4DeskPro* dasturida Web sahifa yaratish bo'yicha elektron uslubiy ta'minot yaratish bo'yicha elektron uslubiy ta'minot yaratish oid manbalar tahlil qilinib, asosiy masala shakllantirib olinadi. Xususan, elektron sahifa yaratish tillari va dasturiy vositalari tarixi, ularni rivojlanish bosqichlarini o'rganish, mustaqil ta'limni tashkil etishda elektron uslubiy ta'minotlardan foydalanishni o'quv jarayonidagi ahamiyatini asoslash orqali masalani hal qilish lozim bo'lgan qismini ajratib olish va masalaning qo'yilishi keltirib o'tiladi.

2-bobda *A4DeskPro* dasturida Web sahifa yaratish bo'yicha elektron uslubiy ta'minot yaratish va uni o'rnatish talablari, dasturiy mahsulotlar va Web-saytlar yaratish vositalarini tahlil qilish asosida mavzuga tegishlisini ajratib olish, *A4DeskPro* dasturi imkoniyatlarini ochib berish, dasturiy ta'minotni o'rnatish talablari va o'rnatish bosqichlarini shakllantirish amalga oshiriladi. SHuningdek, *A4DeskPro* dasturida shablonlar, rasmlar va multimedia imkoniyatlardan foydalanishni tashkil etish bosqichlarini asoslash va tahlil qilish masalalari ko'rib o'tiladi.

3-bobda *A4DeskPro* dasturida sahifalar yaratish bo'yicha multimediali dasturiy mahsulot ishlab chiqish, *A4DeskPro* dasturida Web sahifa yaratish algoritmini ishlab chiqish, *A4DeskPro* dasturida Web sahifa yaratish hamda Yaratilgan sahifani qo'llash yo'riqnomasini ishlab chiqish ishlari amalga oshiriladi.

Hayot faoliyati xavfsizligi bo'limida elektron sahifalar ishlab chiqishda kompyuter xonalarida hayot faoliyati xavfsizligi qoidalarini ishlab chiqish, shuningdek kompyuter xonasiga bo'lgan gigienik talablar va uning yoritilishini tahlil qilish va qoidalarini ishlab chiqish vazifalari amalga oshiriladi. SHuningdek, umumiy tahlillari keltirib o'tiladi.

Xulosa va foydalanilgan adabiyotlar bo'limlarida esa, bitiruv malakaviy ishini bajarish bo'yicha umumiy xulosalar, takliflar va ishni bajarish jarayonida foydalanilgan adabiyotlar hamda tavsiya etiladigan qo'shimcha adabiyotlar keltirib o'tiladi.

Malakaviy bitiruv ishining izoh bo'limida yaratilgan dastur matni keltirib o'tiladi. SHuningdek, shu mavzuga tegishli bo'lgan internet ma'lumotlari ham keltirib o'tiladi.

1-bob. Elektron uslubiy ta'minotlarni ishlab chiqish va ularning klassifikasiyasi b'ycha mavjud manbalar ta'hlili

1.1 Elektron uslubiy ta'minotlar yaratish b'ycha mavjud manbalar ta'hlili

Biz yuqorida ikki turdagi, ya'ni **exe** va **chm** ko'rinishda elektron uslubiy ta'minotlar tayyorlovchi dasturlar imkoniyatlari bilan tanishib chiqdik. Ushbu dasturlar bilan ishlash jarayonida sodda elektron uslubiy ta'minot tayyorlash bosqichlariga to'htalib o'tildi.

Axborot asrida insoniyat tarixida sanoat va fan olamida olamshumul yutuqlar qo'lga kiritildi. Dunyoda axborot eng qimmat narsaga aylandi. Kompyuter ixtiro qilinishi insonlar bajaradigan yumushlarni yengillashishiga olib keldi. Fan, ta'lim sohaslarida o'qitish o'rganishning zamonaviy vositalari joriy qilindi. Endilikda elektron uslubiy ta'minotarning bu sohadagi ahamiyati yanada oshmoqda. Dastlab elektron uslubiy ta'minotlar oddiy matn ko'rinishida bo'lsa hozirda turli tasviriy ko'rinishlarini ham o'zida mujassamlashtirmoqda.

Bizga ma'lumki inson axborotni ko'rganda uni oddiy eshitib yoki o'qigandan ko'ra ko'proq eslab qoladi. Anashu taraflarni hisobga olgan holda elektron uslubiy ta'minot tayyorlash uni yashash davrini uzoq bo'lishga olib kelish mumkin.

Turli animatsiya tayyorlovchi dasturlar ishlab chiqilishi elektron uslubiy ta'minot tayyorlash sohasida ham sifatli bo'lgan elektron uslubiy ta'minotlar tayyorlashga olib keldi.

Endilikda elektron uslubiy ta'minot yaratuvchi dasturlar yordamida Flash, 3D Max va boshqa turdagi animatsiyalarni, turli video va audio fayllarni elektron uslubiy ta'minot tarkibida qo'llash imkoniyatlari paydo bo'ldi.

Bu imkoniyatlardan qay darajada qulay foydalanish elektron uslubiy ta'minot tayyorlovchining mahorati va psixologik tomondan yondoshishiga bo'g'liq.

Hozirda Internet texnologiyalari ham jadallik bilan rivojlanmoqda. Internet orqali ta'lim beruvchi maxsus repetitor va saytlar mavjuddir. Masofadan turib o'qish texnologiyalari hayotga joriy qilinmoqda. Bu ta'lim oluvchilarga ancha qulayliklar tug'dirmoqda. Bunda talabalar o'z yurtida turib boshqa davlatning oliygohlarida o'qishi va o'sha oliygoh diplomiga ega bo'lishi mumkin.

Albatta but ta'lim jarayonida elektron uslubiy ta'minotning ahamiyati kattadir. Chunki talaba doim ham Internetdan foydalana olmasligi mumkin. Ana shu paytda o'ziga oliygoh yoki boshqa biror ta'lim muassasi tomonidan berilgan elektron uslubiy ta'minot va qo'llanmalardan foydalanishga to'g'ri keladi.

AQSH va ko'plab G'arb davlatlarida bu sohaga jiddiy e'tibor qaratilgan. O'zbekiston sharoitida ham ta'lim sohasida elektron uslubiy ta'minotlar ishlab chiqish va ularni amaliyotga tabiq etishning chora va tadbirlari ishlab chiqilgan.

1.2 Электрон дидактик воситаларнинг амалий машғулотларни ўтказишдаги самарадорлиги

Талабаларга фан сирларини ўргатиш - бу электрон маълумотлар, энциклопедиялар, таълим берувчи дастурлар, таълим олувчилар билимини автоматик назорат қилиш воситалари, электрон ўқув нашри сифатида кўриб чиқиладиган ягона дастурли услубий мажмуалардаги электрон қуланмалар, тренажерлар ва виртуал стендлар каби электрон воситаларни яратишга интилиш ҳисобланади. Таҳлилий ишларимиз натижаларига кўра мамлакатимиз ўқув юртига кириб келаётган замонавий компьютерлар асосида ўқув юртига ахборотлаштиришга интилиш жараёни таълимда электрон қуланмалар учун йўл очиб бермоқда. Таълимни ислоҳ қилиш шундай электрон қуланма яратишни талаб қиладики, уларнинг мавжуд бўлиши, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун, аудитория ва уй шароитида бир хил бўлган компьютерли муҳитни таъминлашни тақазо этади

Шуни тақдирлаш жоизки янги яратиладиган қуланмаларда физика, техника, математика ва тиббиёт соҳаларидаги ибратли ишлари ёритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро қуланмаларда миллат фикрининг, миллат тафаккурининг ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши зарур.

Маълумки, ҳозирги кунда интернет технологиялари жадал саръатлар билан ривожланиб бормоқда, бу эса талабаларни интернетда ишлаш билан бирга уларга мос равишда турли хил саҳифаларни яратиш технологиясини билишлари талаб қилинади.

Ўргатувчи машиналарни ўқув жараёнида қўлланиши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг дастлабки ўхшатмаси эди. Лекин, дастурланган ўқитиш тарафдорларининг «ўқитишини оғзаки баён қилиш услубидан воз кечиш вақти келди, машина ўқитувчи шахсини бемалол алмаштириши мумкин», деб эҳтиётсизлик билан айтган фикрлари амалиётчи педагогларни ўта ҳайратга солди, назариётчи педагоглар эса уни қатъий эътироз билан қабул қилдилар. Бу ўринда, дастурланган таълим ҳақида америкалик педагог У. Шраммининг куйидаги фикрини мисол тариқасида келтириш мумкин: -Дастурланган ўқитиш - бу автоматик репетитор бўлиб, у талабани:

- мантикий ўзаро боғлиқ, қисқа қадамлар орқали;
- деярли хато қилдирмасдан;
- тўғри жавоб беришга йўллайди ва у;
- ўз ўрнида баҳолаиб мустаҳкамланиши натижасида;

ўқитиш мақсадларини белгилувчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради.

Демак, бундан таълим жараёнида ўқитувчи шахсини батамом инкор этилади, деган хулосага келиш мумкин.

Ўқув жараёнига замонавий техник воситаларини қўллаш тарафдорлари ўқитиш сифатини яхшилаш, айнан ана шу воситаларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Тегишли услубий тавсиялар таълим жараёнида техник муҳитни яратишга, яъни технология тушунчасини ўқитиш жараёнига қўллаш масалаларига қаратилди. Дастлаб «компьютерли технология» ва «янги ахборот технологияси» каби тушунчалар вужудга келди. Булар педагогик технологияни амалга ошириш учун замонавий техник восита сифатида қўлланила бошланди.

1.3 Масаланинг қўйилиши ва унинг долзарблигини асослаш

Маълумки, шу кунларда электрон услубий таъминотлар яратиш масаласи жуда ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, аниқ фанлар йўналишлари бўйича электрон дарсликлар, тажриба стендлари яратиш талабалар билимини янада ривожланиши ҳамда тезроқ ва сифатлироқ билим олишларига хизмат қилади.

Битирув малакавий ишида касб-хунар коллежилари учун A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш масаласи берилган бўлиб, мавзунинг номидан ҳам кўриниб турибдики, асосий вазифа талабаларнинг дарс соатларини ўтказишни намунали ташкил этиш ва мустақил таълим сифатини яхшилашга қаратилган илмий ҳаракатни амалга оширишдан иборат. Битирув малакавий ишини бажариш давомида куйидаги масалаларни ечиш асосий мақсад қилиб олинади:

- Электрон услубий таъминотларни ишлаб чиқиш ва уларнинг классификацияси бўйича мавжуд манбалар таҳлилини амалга ошириш;

- Электрон дидактик воситаларнинг амалий машғулотларни ўтказишдаги самарадорлигини ўрганиш;
- Махсус яратиладиган электрон услубий таъминотга қўйиладиган асосий талабларни ишлаб чиқиш;
- Масаланинг қўйилиши ва унинг долзарблигини асослаш;
- Амалий машғулотлар учун электрон услубий таъминотларни яратиш талаблари ва воситалари таҳлил қилиш;
- A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича бўйича назарий маълумотларни шакллантириш;
- HTML to Chm dasturi yordamida elektron услубий таъминот tayyorlash;
- Электрон услубий таъминот яратиш учун компьютернинг техник таъминотиغا талабларни ишлаб чиқиш;
- Амалий машғулотлар учун мультимедиали дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш;
- A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминотни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- Электрон услубий таъминотдан фойдаланиш йўриқномасини шакллантириш;
- Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш (педагогик технология) нинг ўзига хос хусусиятларини асослаш;
- “ A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш” машғулотини замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитишни ташкил этиш;
- Elektron услубий таъминот ishlab chiqishda kompyuter xonalarida hayot faoliyati xavfsizligini шакллантириш;
- Компьютердан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини шакллантириш;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича зарурий маълумотлар ва тавсияларни келтириб ўтиш;
- Битирув малакавий ишини бажариш натижасида олинган натижалар бўйича хулоса ва таклифларни келтириш;
- Муаммони ечишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириб ўтиш талаб қилинади.

Келтириб ўтилган масалалани ижобий ечимини бериш натижасида битирув малакавий ишида қўйилган муаммони ҳал қилишга эришилади.

2-bob. Амалий машғулотлар учун электрон услубий таъминотларни яратиш талаблари ва воситалари

2.1. Махсус яратиладиган электрон услубий таъминотга қўйиладиган асосий талаблар

Касб хунар таълими учун махсус фанлардан электрон услубий таъминотни яратиш жараёнида психологик-педагогик, техник-технологик, эстетик ва эргономик талаблар қўйилади. Электрон услубий таъминот ҳам босма услубий таъминот, ўқув ва услубий қўлланма каби анъанавий ўқув нашрларига қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак. Дидактик талаблар таълим беришнинг специфик қонуниятларига ва мос равишда ўқитишнинг дидактик тамойилларига мос келиши керак. Қуйида махсус фанлар бўйича яратиладиган электрон услубий таъминотга бўлган талаблар келтирилган:

1. Ўқитишда илмийликни, фан, техника ва технологияларни сўнги ютуқларни ҳисобга олиш, ўқув материали мазмунининг етарлича чуқурлигини, ишончилигини таъминлайди. Ўқув материалининг электрон услубий таъминот ёрдамида ўзлаштириш жараёни ўқитишнинг замонавий усуллари билан мос равишда курилиши керак. Бундай усулларга қуйидагилар киради: тажриба, эксперимент, солиштириш, кузатиш. абстрактлаш. умумлаштириш, яхлитлантириш, ўхшашлик, таҳлил ва синтез, моделлаштириш услуги, шу билан бирга математик моделлаштириш. шунингдек тизимли таҳлил усуллари.

2. Ўқитишнинг эришувчанлик талаблари электрон услубий таъминот воситасида амалга оширилади ва ўқувчилар ёшига ва индивидуал хусусиятларига хос ҳолда ўқув материални ўрганишнинг мураккаблик ва чуқурлик даражасини аниқлаш заруриятини билдиради. Ўқув материални ҳаддан зиёд мураккаблаштириш ва ортиқча юклаш мумкин эмас, унда таълим олувчи бу материални эгаллашта ожизлик қилади.

3. Ўқитишнинг муаммовийлигини таъминлаш талаблари махсус фанларни ўқитишда қўйиладиган асосий талаб бўлиб, таълим олиш фаолиятининг тавсифи ва мавжудлиги билан шартлаштирилган. Агар ўқувчи муаммоли вазиятга дуч келса. уни мустақил ечишга ҳаракат қилса, унинг ижодий қобилияти ва фикрлаш фаоллиги ўсади. Ушбу дидактик талабни бажарилиш даражаси анъанавий услубий таъминотлар ва ўқув қўлланмаларидан кўра. электрон услубий таъминот ёрдамида сезиларли даражада юқори бўлиши мумкин.

4. Ўқитишнинг кўргазмалилигини таъминлаш талаблари, ўқувчилар томонидан ўрганилаётган объектлар (машина ва ускуналар), уларнинг макетлари ёки моделлари, маҳсулотни тайёрлашнинг технологик жараёнини сезгили қабул қилиши ва шахсан кузатиш имкониятини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

5. Ўқитишнинг онглилигини, таълим олувчининг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш талаблари ўқув фаолиятининг якуний мақсад ва вазифаларига эришишда ўқув ахборотини жалб қилиш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун электрон дарслиқ ва воситалари билан таъминлашни кўзда тутди. Бунда ўқувчи учун ўқув фаолияти, йўналтирилган мақсад ва мазмунни англатади. Махсус фанлар бўйича электрон услубий таъминотлар тизимли фаолият ёндашуви асосида ишлаб чиқилиши керак. Шунинг учун электрон услубий таъминотда ўқувчи фаолиятининг аниқ модели кузатилиши керак.

6. Электрон услубий таъминотдан фойдаланишда ўқитишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талаблари ўрганиладиган махсус фан соҳасида билимлар_ва кўникмаларнинг маълум тизимининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши кетма-кетлигини таъминланишини билдиради. Билим. кўникма ва маҳорат таълим тизимида мантиқий тартибда шаклланиши ва ҳаётда қўлланилишда ўз ўрнини топиши зарур. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

- ўқув материални тизимлаштирилган ва структурлаштирилган ҳолда тавсия қилиш;
- ўқув материалининг ҳар бир бўлимида шаклланадиган билим, кўникма ва маҳоратларнинг ривожланишини ҳам инобатга олиш;
- ўрганилаётган ўқув материалининг фанлараро боғлиқлигини таъминлаш;

— ўқув материали ва таълим берувчи таъсирларининг узати-лиш кетма-кетлигини чуқур ўйлаб кўриш;

— билим бериш жараёнини ўқитиш мантиқи билан аниқланадиган кетма-кетликда қуриш;

— электрон услубий таъминот тавсия қилган ахборотни, ўқитишнинг мазмуни ва услуби таълим олувчининг шахсий қобилиятига боғлиқ ҳолда танланиши керак. Масалан, мазмунли ўйин ҳолатларини яратиш, амалий тавсифдаги топшириқлар ва экспериментларни реал жараёнлар ва мавжудотлар моделларини тавсия қилиш йўли билан амалиёт билан боғланишни таъминлаш.

7. Электрон услубий таъминотдан фойдаланишда билимларни ўзлаштириш мустаҳкамлиги талаблари: ўқув материални мустаҳкам ўзлаштириш учун уни чуқур фикрлаш, хотирада сақлашга интилиш катта аҳамиятга эга.

8. Электрон услубий таъминотда ўқитишнинг таълимни ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари бирлиги талаблари.

Таълим бериш вазифасини башарувчи анъанавий нашрларга қўйиладиган дидактик талаблардан ташқари, электрон услубий таъминотга уни яратиш ва жорий қилинишида замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг устунликларидан фойдаланиш каби қуйидаги ўзига хос дидактик талаблар қўйилади.

1. Мослашувчанлик талаблари - махсус фан электрон **дарслиги** таълим олувчининг индивидуал имкониятларига, яъни ўқитиш жараёнида таълим олувчи билимлари, кўникмалари ва психологик хўсусиятларига мослаштирилган бўлиши керак. **Электрон** услубий таъминот мослашувчанлигининг учта даражаси мавжуд. Биринчи даражаси ўқувчиларнинг ўқув материални ўрганишда ўзларига қулай бўлган индивидуал темпини танлаш имконияти ҳисобланади. Иккинчи даражаси - таълим олувчи ҳолатининг диагностик таҳлили ҳисобланади, унинг натижалари асосида, таълим беришнинг мазмуни ва услуби таклиф этилади. Учинчи даражаси очикча ёндашувга асосланади, унда фойдаланувчи-ларнинг гуруҳланиши кўзда тутилмайди ва дастур муаллифлари таълим олувчиларнинг имкони борича кўпроқ контингенти учун, иложи борича кўпроқ вариантларини ишлаб чиқишлариш **тавсия этилади**:

2. Ўқитишнинг интерфаоллик талабларига ўқитиш *жараёнида* ўқувчи билан электрон услубий таъминотнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш киради. Электрон услубий таъминот воситалари интерфаол диалог ва тесқари алоқани таъминлаши керак. Диалогни ташкил этишнинг муҳим ташкил этувчи қисми бўлиб, фойдаланувчи ҳаракатига электрон услубий таъминотнинг реакцияси ҳисобланади. Тесқари алоқа назоратни амалга оширади, кейинги бажариладиган ишлар бўйича тавсиялар беради, маълумотнома ва тушунтирувчи ахборотларга доимий киришишни амалга оширади. Тес-қари алоқа ўқув жараёни натижалари бўйича диагностик хатолар асосида назоратдаги билим даражасини ошириш учун тавсиялар билан иш таҳлилини беради.

3. Электрон услубий таъминотнинг ўқув ахборотини тақдим қилишида компьютер визуаллаштириш имкониятларини жорий қилиш талаблари. Замонавий электрон воситалар имкониятлари ва электрон дарсликда ўқув ахборотини намоёйиш қилиш сифатини таҳлил қилишни кўзда тутди.

4. Электрон услубий таъминот билан ишлашда таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини **ривожлантириш** талаблари. Фикрлаш мураккаб вазиятларда оптимал ёки вариатив қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутди.

5. Электрон услубий таъминотда ўқув материални намоёйиш қилишнинг тизимлилик ва функционал боғлиқлиги талаблари.

6. Электрон дарсликда таълим бериш дидактик циклининг тўлиқлиги ва узлуксизлигини **таъминлаш** талаблари. Электрон дарслик дидактик циклининг **барча звенолари** ахборотли ва коммуникацион техника билан ишлашнинг **битта сеанси** чегарасида бажарилиш имкониятини **бериши кераклигини** билдиради.

Махсус фан электрон дарслигига бўлган дидактик талаблар билан услубий талаблар узвий боғлиқдир. Услубий талаблар электрон услубий таъминотга мўлжалланган ўқув фанининг ўзига хослиги ва хўсусиятларини мос равишдаги махсус фан спецификасини, унинг тушуниш апаратини, унинг қонуниятларининг изланиш усуллари хўсусиятларини, ахборотга ишлов бериш замонавий усулларини жорий қилиш имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутди.

Махсус фанлардан яраталадиган электрон услубий таъминот қуйидаги услубий талабларни қониқтириши керак:

1. Электрон услубий таъминот-ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро ҳаракати *ва* ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши керак.

2. Электрон услубий таъминот ўқув фанининг илмий тушунчалар тизими юқори тартибли тузилма кўринишида таъминлаши керак. Махсус фанлараро мантикий ўзаро боғлиқлик ҳисобга олинлиши керак.

3. Электрон услубий таъминот таълим олувчига алгоритмик ва эвристик фаолиятини амалга ошириш учун етарли бўлган ўзлаштириш даражасида ўқувчи билим даражасини босқичма-босқич ошириш мақсадида турли хилдаги назоратларни амалга ошириш имконияти яратилиши керак.

Электрон услубий таъминотни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга қўйилган дидактик талабларни ҳисобга олиш билан бир қаторда, уни яратишнинг муваффақиятлилиги ва сифатига таъсир қилувчи бир қатор психологик талаблар ҳам қўйилади. Қўйида электрон услубий таъминотга қўйиладиган психологик талаблар-келтирилган:

1. Электрон дарслиқ ўқув материални намойиш қилишда на

фақат вербал, балки когнитив жараённинг сенсорлик ва намой-иш қилиш ҳолатларига ҳам мос келиши керак. Электрон дарс-лик қабул қилиш, диққат, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотира каби психологик жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак.

2. Электрон услубий таъминот ўқув материали таълим олувчиларнинг ёшини, таянч билимларини ва тилни билишини инобатга олиб

қурилган бўлиши керак.

3. Электрон услубий таъминот образли ва мантиқий фикрлашни ри-

вожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Техник технологик талабларга қўйидагилар қиради.

— локал (компакт диск) ва бошқа ташқи ахборот ташувчи-ларда ва тармоқли тартиботда ҳаракатланиши;

— мультимедиа ва телекоммуникацион технологияларнинг

замонавий воситаларини максимал қўллаш;

- ишлаш қобилиятининг пухталиги ва тўрғунлигини таъ-

минлаш;

-гетерогенлиги (электрон услубий таъминотнинг турли хилдаги ком-пьютерли ва бошқа воситаларида турғун ишлаши);

— нуқсонларга турғунлиги;

— ресурслардан самарали ва тўғри фойдаланиш;

— тестлаштирилганлиги;

Электрон услубий таъминотнинг турли хилдаги қўринишларига нисба-тан махсус технологик талаблар қўлланилиши мумкин. Локал электрон услубий таъминотга бўлган технологик талаблар:

— турли хилдаги электрон ташувчиларни қўллаш имконияти таъминланганлиги ;

-электрон ва қоғозли ташувчиларни комбинациялаштириш

имкониятининг яратилиши.

Тармоқли электрон услубий таъминотга бўлган технологик талаблар:

— локал ва тармоқли тартиботда ишлаш имконияти;

— тармоқда физик локаллаштирилган ва тарқатилган компонентларнинг миқдори;

— ўқитишни бошқариш жараёни ва умумий ахборот базаларининг воситалари миқдори;

— жамоавий ишларни ташкил қилиш воситалари миқдори (ўқитувчи ёки бошқа таълим олувчилар билан тесқари алоқа);

— платформали ва дастурли мустақиллик.

Электрон услубий таъминотга қўйиладиган эргономик талабларда асосан таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади, ўқитишда мотивация даражасини оширишни таъминлайди, ах-боротни тасвирлаш ва электрон услубий таъминот ишининг тартибот-ларига бўлган талабларни ўрнатади.

Электрон услубий таъминотни ишлаб чиқиш ва фойдаланишда қўйила-диган соғлиқни сақлаш ва эргономик тавсифидаги талабларга ҳисоблаш техникаси билан ишлашининг гигиеник ва санитария талаблари қиради.

Таълим муассаларида ишчи ўринларни ташкил қилиш ва шароитларига бўлган гигиеник талабларга риоя қилишда ўқув машғулотидаги давомида ЭХМда ишлаш давомийлигини қўйи-дагича тузиши тавсия этилади:

— биринчи босқич ўқувчилари учун - бир кунда 30 минутгача;

— иккинчи босқич ўқувчилари учун - икки соатли дарсларда кунга 1 соатгача: танаффўс, ўқув материални тушунтириш, талабалар билимини баҳолаш ва бошқалар билан бирга ЭХМда ишлашда 20 минутга кам бўлмаган оралиқ билан би-ринчи дарсда 30 мўнут ва иккинчи дарсда 30 минут;

— учинчи босқич ўқувчилари учун ЭХМ билан ўқув машғу-лотларининг давомийлигини, ўқув машғулотидаги умумий вақти-нинг 50% гача ЭХМ да бевосита ишлашнинг вақти йиғиндиси билан 3 академик соатгача ошириш мумкин.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ҳисоблаш техникаси би-лан ишлашнинг санитария меъёрлари билан мос келиши, элек-трон услубий таъминот самарадорлигининг асосий шартларидан

бири бўлиб ҳисобланади. Бу талабларга мос келмаслик ўқувчилар-нинг ахборот оқимларини қабул қилмасликларига еки соғлиқ-ларига салбий таъсирга олиб келады

Эстетик ва эргономик талаблар ўзъаро узвий боғлиқ бўлиб, электрон услубий таъминотни эстетик шакллантиришнинг функционал вазифасига мос келишини, ўқув мухитининг график ва тасвирий элементларининг тартибга келтирилганлиги ва ифодалилигини, рангли колоритнинг электрон услубий таъминот вазифасига мос келишини ўрнатади. Эстетик талабларнй инобатга олиш ва риоя қилиш ҳамма вақт ҳам шарт эмас. Улар электрон услубий таъминотни яратиш бўйича тавсиялар тавсифига эга.

Махсус фанлар маърузаларида қулланиладиган электрон услубий таъминотда ўқув материаллари видеотасвир, аудио кузатувни анимацион роликлар билан иллюстрациялаш, мураккаб жараёнлар намоишини етказиб бериш, маърузаларда яратиладиган матн, график, товушни визуаллаштириш имконияти билан таъминланиши керак.


Махсус фан бўйича тажриба машғулотларида қўлланиладиган электрон услубий таъминот таълим олувчини ишга тайёрлаш, ишни бошлаш, эксперимент ишларни (тажрибани) бажариш, экспериментал натижаларга ишлов бериш, тажриба ишлари натижаларини тайёрлаш, ишни ҳимоялаш учун автоматлаштириш воситаларига эга бўлиши керак. Бундай электрон услубий таъминотлар виртуал тажрибалар яратадиган, тезлаштирилган ва секинлаштирилган вақт масштабида турли жараёнларни ўрганиш имконини берувчи моделлаштирувчи компонентларга эга бўлиши керак. Тажриба ишларида таълим олувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини назорат қилиш учун тузилган автоматлаштириш воситалари бўлиши керак.

Махсус фанлардан амалий маршрутларда қўлланиладиган электрон услубий таъминот таълим олувчига машғулот мавзуси, мақсади ва ўтказилиш тартиби ҳақида маълумот етказиши; таълим олувчига жавобнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги ҳақида ахборот бе-риши; таълим олувчиларнинг билимини баҳолаши, ҳар бир таълим олувчининг билимини назорат қилиши; топшириқларнинг зарурий назарий материали ва ечиш услубини кўрсатиш; "педагог-услубий таъминот- таълим олувчи" тартиботида тесқари алоқани амалга ошириши керак.

2.2. A4DeskPro dasturida Web sahifa yaratish b'yyicha b'yyicha nazariy ma'lumotlarни shakllantirish

A4DeskPro Website Builder – veb-yaratuvchi dasturchilar uchun oddiy dasturiy ta'minot hisoblanib, flash shablonlar asosida turli xil menyularni yaratish, ichki menyular yaratish hamda mavjud berilgan parametrlar asosida chiroyli effektlarga ega bo'lgan sahifalarni yaratish imkoniyatiga ega bo'lgan dasturiy vosita hisoblanadi.

A4DeskPro Flash Website Builder v4.11




A4DeskPro Flash Website Builder dasturiy ta'minotining asosiy xarakteristikasi hamda xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- "hammasi bir zumda", ya'ni flesh-ved-sayt yaratish imkoniyati
- hech qanday lisenziyasiz CD disklarni yaratish va foydalanish imkoniyati hamda ilovalar yaratish.
- Ogromno'y vo'bor shablonov professionalno'x flesh-veb-saytov.
- flesh-veb-sayt shablonidagi ranglarni o'zgartirish imkoniyati.
- flesh-element yoki dasturlashtirish uchun alohida bilimlarni talab qilinmaydi.
- ko'ptillilik, ya'ni ingliz, xitoy, yevropa tillari, yapon, koreys va boshqa tillarni ham yaxshi tushuna oladi.
- ixtiyoriy xost serveridan turib veb-saytni yoki mavjud shablonni ko'rish yoki tahrir qilish imkoniyati mavjud.
- menyu i ichki menyularni yaratish va xarakat berish imkoniyati mavjud.
- ustun bo'yicha polosa bo'ylab mantlarni ko'ra olish imkoniyati


- sozlash imkoniyatining ko`pligi, masalan, rang, shaffoflik, giperishoratlar va x.k.
- kontent matnini sozlash imkoniyati
- orqa fondagi musiqa ovozlari sozlash imkoniyati mavjud.
- XML orqali boshqarish imkoniyati mavjud.
- sayt menyularini tahirirlash hamda dinamik saytlarni qo`shish imkoniyatlari ham mavjud.

Endi dasturni o`rnatish uchun uni o`rnatiluvchi dasturiy ta`minotini olamiz. Bu dastur internet tarmog`ida bepul tarqatilganligi sababli uni internetdan ko`chirib olamiz. Dasturni o`rnatiladigan faylini nomi


A4DeskPro.exe deb nomlanib uni ustida sichqoncha tugmasini 2 marta bosiladi va quyidagi rasmda keltirilgan o`rnatish jarayoni boshlanadi:




SHundan so`ng dasturni oynasida paydo bo`lgan “Next” tugmasini bosamiz. Ekranda dasturni o`rnatish bhyicha asosiy talablar keltirib o`tiladi. Bu talablar bilan albatta tanishib olish lozim bo`ladi. Dastur bilan ishlash bo`yicha talablarni o`qib chiqqach, quyidagi oynada hosil bo`lgan yerdan “I Agree” tugmasini bosamiz.



Tugma bosilganidan so`ng, kompyuter xotirasida mavjud joy va talab qilinadigan joy haqida ma`lumotlar beriladi. SHuningdek, dasturni o`rnatiladigan joy aktiv holatda taklif qilinadi. Bu joyni o`zgartirmagan ma`qul. SHunday so`ng, "Install" tugmasini bosamiz.



Dasturni o`rnatish jarayoni boshlanadi Bu jarayon quyidagi rasmda keltirib o`tiladi.




Dastur o`rnatib bo`lingach, uni o`rnatilganligi haqidagai ma`lumot quyidagi ekrandagi shaklda beriladi. Agar dasturni ishga tushirishni hojlasak, *A4DeskPro* belgisini aktivlashtirib qo`yamiz va OK tugmasini bosamiz.

2.3. HTML to Chm dasturi yordamida elektron uslubiy taъminot taууorlash


HTML to Chm dasturini o'rnatish. Ko'pincha elektron uslubiy taъminotlar **chm** yoki **help** fayl kengaytmali ko'rinishida taууorlanadi. **Chm** kengaytmali elektron uslubiy taъminot taууorlash jarayonini ko'rib chiqamiz.

Chm fayl taууorlovchi turli dasturlar mavjud, shular ichida **htm2chm** dasturi bepulligi va elektron dasrliklar uslubiy taъminotlar taууorlashga qulayligi bilan ahamiyatlidir. Ushbu dasturdan foydalanishdan oldin dasturni o'rnatilish jarayoni ko'rib chiqamiz.


Buning uchun **htm2chm** nomli **exe** faylni sichqonch chap tugmasini ikki marta bosish bilan ishga tushiramiz va dasturni o'rnatishni davom ettirasizmi so'roviga **Da** tugmasini bosish bilan dastur o'rnatishni davom ettiramiz.





Keyingi oynadan **Далее** tugmasini bosamiz.




Keyingi oynada lisenziya shartlari keltiriladi, bu oynada shartlarga rozilik bildirilib **Далее** tugmasini bosamiz.




Keyin dasturni o'ratilish joyi va qaysi dasturlar turkumiga kirishligi oynalarida ham **Далее** tugmasini bosamiz.




Keyingi oynadan kerakli maydonlarga ta'kid qo'yib **Далее** tugmasini bosamiz.



Va bizga o'rnatilish uchun hamma narsa sozligi oynasi ochiladi **Установить** tugmasini bosamiz



Dastur to'la o'rnatilib bo'lgandan so'ng **Готово** tugmasini bosib o'rnatish jarayonini tamomlaymiz.



HTML to Chm dasturini ishga tushirish va unda elektron uslubii ta'minot tayyorlash.

HTML to Chm dasturi asosan 5 ta qismdan iborat.


Bular:

- 1) Создать
- 2) Страницы



- 3) Содержание
- 4) Редактор
- 5) Извлечь

Endi ushbu qismlar bilan tanishib chiqsak.


Содержание bo'limida hosil qilinadigan elektron uslubiy ta'minot tarkibi sozlanadi.



Bu qismda ma'lumotlar joylashgan papka ko'rsatiladi va shu joyga .hhc kengaytmali hosil qilinadigan **chm** fayl tarkibi yozilgan fayl **Пуск** tugmasini bosish bilan yaratiladi. Aynan shu fayl **chm** fayl tayyorlash uchun muhim hisoblanadi.




Пуск tugmasi bosilgandan so'ng avtomatik ravishda tahrirlash, ya'ni **Редактор** oynasi ochiladi



Bu qismda elektron uslubiy taʼminotning tarkibi tahrirlanadi. Редактор boʻlimi ikki oynadan iborat. Oʻng oynada mavjud HTML sahifalar va chap qismda **chm** fayl tarkibini koʻrish mumkin. Bu qismda uskunalar paneli yordamida fayllarni tahrir qilish imkoniyati mavjud. Bularga fayllarni qayta nomlash, oʻchirish va alfavit tartibi boʻyicha joylashni misol qilish mumkin.

Kerarlacha **chm** fayl tarkibini tahrirlab boʻlganimizdan soʻng **Сохранить** tugmasini bosamiz va dasturdan bu qismidan chiqamiz.

Создать bolimida asosiy elektron uslubiy taʼminot tayyorlash ishlari yakunlanadi.



Bu qismda quyidagi asosiy maydonlar mavjuddir.


Папка maydoni. Bu maydonda maʼlumotlar va tayyorlab olingan **.hmc** kengaytmali fayl joylashgan papka koʻrsatiladi.

Название maydoni. Bu maydonda elektron uslubiy taʼminotka nom beriladi.

Главная maydoni. Elektron uslubiy taʼminotning bosh sahifasi ushbu maydonda tanlanadi.


Выход maydonida elektron uslubiy taʼminot kompyuterning qaysi qismiga saqlanishligi koʻrsatiladi.

Папка maydonida kerakli papka koʻrsatilgandan soʻng avtomatik ravishda bosh sahifani tanlash oynasi ochiladi. Bosh sahifa tanlanib **OK** tugmasi bosiladi.




Elektron uslubiy taъminot tayyorlashda ushbu bo'limning **Язык** maydoniga ahamiyat qaratmoq lozim. Agar ma'lumotlar Kiril yozuvida bo'lsa albatta Русский tanlanishi, Lotin yozuvida bo'lsa Английский tanlanishi maqsadga muvofiq, yo'qsa ma'lumotlar tarkibi shrifti tushun bo'lmaydigan yozivlarga o'zgarib qoladi.

Quyidagi rasmda chap tarafdagi ma'lumotlar ro'yhati shriftlari kiril yozuvida **Язык** maydonida esa Английский tanlanga. Shu sababli shriftlar tushunarsiz holatga kelgan.




Chm fayl ko'rinishidagi elektron uslubiy taъminot tayyorlashni **Пуск** tugmasini bosish bilan yakunlanadi.



htm2chm dasturining qo'shimcha imkoniyatlari.

Создать bolimida formatlarni sozlash imkonoyati mavjud, buning uchun **Формат** maydoni to'g'ridagi **Редактировать** tugmasi bosiladi.



Kerakli sozlashlarni bajarib bo'lgandan so'ng **OK** tugmasini bosiladi. Natijada bundan keyin tayyorlangan elektron darsliklar ana shu uskunalar va imkoniyatlarni o'zida mujassamlashtiradi. Formatlarni sozlash oynasida 3 ta maydon mavjud. Bular:


Панель maydonida elektron uslubiy ta'minotning tarkibi, joylashish holati sozlanadi

Окно maydonida ochiladigan oyna o'lchamlari va ba'zi imkoniyatlarni sozlash mumkin.

Кнопки maydonida elektron uslubiy ta'minotda mavjud bo'ladigan tugmalarni sozlash mumkin.

htm2chm dasturining Страницы bo'limi.

Bu bo'limda sahifalarni **chm** fayl holatiga keltirish imkoniyati mavjud




Bolimda tayyorlangan faylga misol.



htm2chm dasturining Извлечь bo'limi.

Bu bo'limda tayyor elektron uslubiy ta'minotni qismlarga ajratish amali bajariladi. Bizga ma'limki **chm** fayl bir yoki bir necha sahifalardan tarkib topadi. **Извлечь** bo'limida bo'lsa ana shu tarkib parchalab yuboriladi. Va har bir sahifa alohida **chm** fayl ko'rinishini oladi.



Файл maynida bo'laklarga ajratilishi kerak bo'lgan fayl tanlanadi. Папка maydonida ajratiladigan bo'laklar qaysi joyga saqlanishi ko'rsatiladi.

2.4. Электрон услубий таъминот яратиш учун компьютернинг техник таъминотига талаблар

A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш учун албатта бошланғич маълумот сифатида бир неча воситалар талаб қилинади. Яъни бу масалани ҳал қилиш учун энг биринчи навбатда ЭХМ билан таъминланиши зарур. Маълумки, бу услубий кўрсатма асосида ўқувчиларга етарлича маълумот бериш ва ўргатишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Электрон услубий таъминот яратиш дастурларининг эса, шу кунга қадар бир нечта вариантлари яратилган. Вариантни танлашда эса, албатта компьютер имкониятларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Биз A4DeskPro дастури имкониятларини ҳамда дастурлаш тиллари ва MacroMedia дастурий воситаларини ҳисобга олган ҳолда замонавий компьютерлардан фойдаланишни назарда тутамиз.

Энди бироз дастурий таъминотни, яъни электрон услубий кўрсатмани яратиш учун зарур бўладиган воситалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш бўйича албатта интернетда фойдаланиш имкониятларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Бу эса, биздан дастурлаш тиллари ёки воситаларидан бирини билишимизни талаб қилади.

A4DeskPro дастурида Web саҳифа яратиш бўйича электрон услубий таъминот яратиш учун асосан қуйидаги техник таъминот талаб қилинади:

Pentium III ёки ундан юқори тезликка эга бўлган процессор (CPU);

32-разрядли амаллар тизими. Windows-95 ёки Windows NT операцион тизими;

32 Мбайтли оператив хотира (DIM ёки DDR).

Агар шахсий Web сервер (Personal Web server) қўлланилмаса, унда 16 Мбайт оператив хотира;

Қаттиқ диск (винчестер) да 200 Мбайт бўш жой;

VGA видео адаптери ёки 25 та рангни қўллаб қувватловчи SVGA видеоадаптери;

Сичқонча (манипулятор);

Шунингдек компьютернинг қуйидаги қўшимча қурилмаларига ҳам талабларни келтириб ўтиш мумкин:

Натижаларни олиш ва чоп қилиш учун принтер;

Керакли ахборотларни сканерорқали ўқитиш ва компьютерда тасвирини ҳосил қилиш учун сканер;

Электрон услубий мажмуадан фойдаланиш жараёнида эшитиш учун қулоқлик (наушник)

Электрон услубий мажмуадан фойдаланиш жараёнида эшитиш учун Sound Buffer ва ҳ.к.

